

Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг истиқболи, фаровон келажагини ўйлаб яшаш ҳар биримиз учун катта бахтдир.

Ислоҳ КАРИМОВ.

ИСТИҚДОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ИСЛОҲОТЛАРИ

Архитектура-қурилиш ишларидан беҳабар ҳар қандай инсон ҳам беҳато айта оладикки, қайси вазифа учун мўлжалланишидан қатъи назар, у ёки бу иморатни барпо этиш учун, энг аввало, унинг пойдеворини мустаҳкамлаш лозим бўлади. Давлатимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ аждоқларимиздан бизга мерос қолган ушбу тамойилга асосланган ҳолда буюк бунёдкорлик амалларимизни рўёбга чиқаришга мўлжалланган иморатимиз — мустақил, обод ва озод Ватан, келажаги буюк давлат пойдеворини ниҳоятда пишиқ-пухта, мустаҳкам, барқарор ва ишончли қилиб яратиш учун муносиб асос — таянч бунёд этилди.


риш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ўз мазмун ва моҳияти жиҳатидан жамиятимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг амалий фаолиятида туб бурилиш ясаши аниқ.

УЛКАН ИМКОНИАТ ВА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Сиёсий партиялар фаолиятидаги асосий масалалардан саналмиш аҳолининг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш борасидаги



Зухра БОТИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчи-
лик палатаси депутати



Бу пойдеворнинг ўзи эса асосан икки таркибий қисмдан — инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳраб қўйилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган тараққиётимизнинг машҳур бешта тамойилидан иборат бўлди, десак, хато бўлмас.

Кунин кеча истиқлолимизнинг 18 йиллигини, мамлакатимиз пойтахти, кўркем, табарруқ, кўҳна ва шу билан бирга, ҳаминша навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонладик.

18 йил аввал биз қандай аҳволда эдик, ҳозирги кунда қандай ҳолатдамиз деган оддий, жуда ўринли ва адолатли саволни ҳар биримиз ўз-ўзимизга берадиган бўлсак, ўйлайманки, мазмун ва моҳият жиҳатидан чуқур мулоҳазага қорайдиган, дегарли барчани лол қолдирадиган аниқ жавобга эга бўламиз.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Утган йиллар давомида давлат бошқарувини такомиллаштириш ва янгилаш, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш, мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд тармоқлари ўртасида мутаносиб ва барқарор мувозанатни ташминлаш, мамлакатимиз адвокатура тизимининг нуфузини ошириш орқали унинг мустақиллигини таъминлаш, унинг инсон ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш борасидаги салоҳиятини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий базасини шакллантириш, ижтимоий адолат мезонларига ҳар жиҳатдан мос бўлган кучли фуқаролик жамияти асосларини яратиш каби масалалар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларини ташкил этиб келмоқда.

Истиқлол туфайли жамият ҳаётининг барча соҳаларида барқарор ривожланиш имконияти туғилди. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланган жамият қуришни асосий мақсад қилиб олган муқаддас юртимизда қисқа муддат ичида демократик тамойиллар шаклланди, янги давлатчиликнинг ишончли қонунийлик базаси вужудга келди. Дунёдаги қатор тараққий этган демократик мамлакатлар амалиёти, аҳоли ижтимоий-сиёсий онги даражасининг ўсиши, халқнинг ҳаёт тарзининг ўзгариши қонунийлик ҳокимиятини демократик андозаларга мувофиқ равишда ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди ва мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг қонунийлик соҳаси ҳамда парламент фаолиятини такомиллаштиришга бўлган эътибор кучайтирилди. Унга хос мураккабликларга эга бўлган ўтиш даврида мамлакатимиз парламент тизими ва унинг фаолиятини ислоҳ қилишга бўлган зарурат, табиийки, ўз-ўзидан туғилмади. Унга бўлган заруратни давлат бошқарувидаги янгиланиш, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда мамлакатимизни модернизация

қилишда, бир сўз билан айтганда, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида эришилган юксак натижалар билан бир қаторда вужудга келган айрим масалалар — қатор соҳаларда ижро интизомининг, айниқса, амалдаги қонуний ижросининг талабга жавоб бермаслиги, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий масалаларда старли тажриба ва билимга эга эмаслиги, жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорликнинг етишмаслиги каби омиллар сабаб бўлди, дейиш мумкин.

МУКАММАЛЛИК ВА ИЗЧИЛЛИК ЙЎЛИДА

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, демократик жамият дегани, баъзилар ўйлаганидек, барчаниннг ўз билганини қилиб яшашни эмас, балки ҳар бир инсон ўзи яшаш турган жамиятни, давлатни, ўз фуқароларини, табиийки, энг аввало, ўз хоҳиш ва иродаси сингган шу жамият қонуниларига ҳурмат билан қараш, уларга амал қилишни демасдир. Қонунийларга қатъий риоя қилиш унинг атрофида кечаётган ҳар бир воқеа-ҳодисаларга дахлдор бўлиб, бевосита иштирокчи бўлиб яшашда гап кўп. Ана шундай жамиятни барпо этиш масаласи эса, энг аввало, сиёсий партиялар ва асосан уларнинг вакилларидан ташкил топган парламент олди-га муҳим вазифаларни қўналаган қўлиди.

Парламент демократиянинг табиий ифодаси сифатида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнамоқда. Қонунийлар лойиҳаларининг даставвал Қонунийлик палатасидаги тўртта партия фракцияларида кўриб чиқилиб, кенг муҳокама этилиши, улар томонидан ўз электроратлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда аниқ таклиф ва мулоҳазалар берилиши қабул қилинаётган қонунийларнинг маромига етказилишида катта аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда Қонунийлик палатасининг депутатлари нафақат қонун ижодкорлиги билан, балки амалдаги қонунийлар ижросининг назорати билан ҳам мукамал шугулланишлари зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатасига қонунийлик ташаббуси тартибда киритилган ҳамда бугунги кунда амал қилатётган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайти-

сатий-ҳаракатларнинг қонунда назарда тутилганидек кучайтирилиши, пировардида фуқароларнинг жамият тараққиётида, давлат бошқарувида, ички ва ташқи сиёсатда рўй берадиган ҳар қандай воқеа-ҳодисага дахлдорлик ҳисси билан яшаш, унда юксак ишонч билан фаол иштирок этиш туйғусини янада мустаҳкамлайди, бундай сифатлар шаклланишига сабаб бўлади, демократик жараёнларнинг янада юқори поғонага кўтарилишига бевосита ҳисса қўшади.

Таҳлиллар шунини кўрсатдики, ксйинги йилларда — тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида жамият онги шурида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда, бу — аҳоли орасида фуқаролик позициясининг тобора мустаҳкамланиб, кечаётган жараёнларга нисбатан фаол муносабат шаклланаётганида акс этмоқда.

Бу жараён Ўзбекистонда ўзига хос тараққиёт йўлининг асосий тамойилларидан бири — «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» тамойили келажикда барқарор ва ишончли тараққиёт учун мустаҳкам замин яратиши ва сиёсий партияларга улкан имкониятлар эшигини очиб бериши баробарида улар зиммасига юксак масъулиятни, фуқароларимиз тақдирин билан бевосита боғлиқ бўлган долзарб ва ҳаётий вазифаларни юклайди. Фақат партияларнинг келажақдаги нуфузи, мавқеи ва салоҳияти кўп жиҳатдан уларнинг ўз устав ва лас-турларида белгиланган аниқ вазифаларни қай даражада амалга ошира олишига, электроти ишончини оқлашига, ўз фаолиятида халқ хоҳиш ва иродасини қай даражада инобатга олиши ҳамда жамият ҳаётидаги бунёдкорлик ишларида ўзини қандай намойиш этишига боғлиқ. Буларни амалга ошириш учун эса бугунги кунда барча сиёсий партиялар учун тенг ҳуқуқли имкониятлар яратилган.

Шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш эса партияларнинг ўз олдидаги вазифалар ечимига қандай ёндашишига, фуқароларнинг бугунги кундаги талаб ва эҳтиёжларини қай даражада инобатга олишларига, жамиятимиздаги оғриқли нуқталарни, ўта муҳим ва долзарб ҳаётий вазифаларни қай этишдаги фаолликларига, жонқурликларини ҳамда саводхонликларига, халқ ишончини қай даражада оқлашларига боғлиқ. Зеро, кўппартиявийлик шароитида яшайётган бўлсак-да, Ватанимизни янада, унинг ютуқлари ҳам, муаммо ва камчиликлари ҳам ўзимизники, уларни бартараф этиш ҳам фақат ўз қўлимиз ва ихтиёримизда. Энг муҳими, ҳар қандай камчиликларимизни бартараф этиш учун старли ҳуқуқий асос бугунги кунда яратилган. Ўз қонуналаримизга тўлиқ амал қилсак, танлаган йўлимиз бизни ҳаминша уллуғ манзилларга бошлайсеради.